

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

КАМИЛОВ Абдухамид Абдунабиевич

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14974263>

РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРДА КОРРУПЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДА ХАБАР БЕРИШ ИНСТИТУТИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада ривожланган давлатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш институти ва унинг ўзига хос хусусиятлари тизимлаштириш асосида илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилган ҳамда тизим фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: коррупциявий ҳуқуқбузарликлар, хабар бериш механизмлари, умумий ва махсус, норматив-ҳуқуқий асослар.

АННОТАЦИЯ

В статье дается научно-теоретический анализ института сообщения о коррупционных правонарушениях в развитых странах и его особенностей на основе систематизации, а также разрабатываются предложения, направленные на совершенствование функционирования данной системы.

Ключевые слова: коррупционные правонарушения, механизмы сообщения о них, общие и специальные, нормативно-правовые основы.

ANNOTATION

The article provides a scientific and theoretical analysis of the institution of reporting corruption offenses in developed countries and its features based on systematization, and also develops proposals aimed at improving the functioning of this system.

Key words: corruption offenses, reporting mechanisms, general and special, normative legal acts.

Хабар берувчи шахслар ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид **умумий** ва **махсус** қонунлар ҳозирги кунда кенг тарқалмоқда.

Бунда “**умумий қонунлар**” – давлатнинг барча фуқаролари ва бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи, кенг қамровли ҳуқуқий меъёрлар тўпламини англатади. Бунга Конституция, Мехнат, Маъмурий ва Жиноят кодекслари ёки бошқа қонунларни олишимиз мумкин. Ушбу қонунлар орқали фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг манфаатларини таъминлаш ва давлат органларининг фаолияти назорат қилинади.

“Махсус қонунлар” эса, айнан коррупцияга оид хабар берувчилар (whistleblowerлар) ва уларнинг яқин қариндошлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив ҳужжатларни билдиради.

Бундай қонунларда хабар бериш жараёни, маълумотларнинг махфийлиги, таъқиб ва жазоланишдан ҳимоя чоралари, ҳамда рағбатлантириш механизмлари каби махсус талаблар белгилаб берилади.

Айни вақтда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг маълумотларига кўра[1], дунёнинг 50 дан ортиқ яқин давлатлари ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш амалиётини тартибга солишга қаратилган миллий қонунларни турли хил шаклларда қабул қилганлар бўлсалар, айримлари хабар берувчи шахсларга хусусий ва давлат секторида жамоат манфаатларини очиқлаш учун муурожаат қилиш имконини берувчи чекланган ҳимоя чораларини ўз ичига олувчи қонунларни жорий этганлар.

Булар: АҚШ Whistleblower Protection Act (1989): Давлат хизматчилари учун.

Sarbanes-Oxley Act (2002): Корпоратив жинойтлар ҳақида хабар берувчилар учун.

Dodd-Frank Act (2010): Молиявий соҳадаги ҳимоя.

Бирлашган Қироллик Public Interest Disclosure Act (1998): Хусусий ва давлат секторидаги ҳимоя.

Австралия Public Interest Disclosure Act (2013): Давлат хизматчилари учун.

Corporations Act (2001): Корпорациялардаги ҳолатлар бўйича хабар берувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган акт.

Жанубий Африка Protected Disclosures Act (2000): Умумий ҳимоя.

Япония Whistleblower Protection Act (2004): Коррупция ва хавфли жинойтлар ҳақида хабар берадиганлар учун.

Шу жиҳатдан мазкур муносабатларни тартибга солувчи қонунларни шартли равишда икки гуруҳ – кенг қамровли (**умумий**) ва ихтисослашган (**махсус**) турларга ажратиш мумкин.

Ҳозирга қадар фақатгина баъзи давлатларгина хабар бериш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга оид ихтисослашган (махсус) қонун ҳужжатларини қабул қилганлар.

Буюк Британия, Янги Зеландия ва Жанубий Африка давлатларини коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш амалиётини тартибга солишга қаратилган қонунлари ҳақиқатан ихтисослашган деб аташ мумкин бўлган ягона тизимга эга. АҚШ ва Канада каби давлатларда эса давлат секторидаги муносабатлар алоҳида қонун бўлса, Японияда хусусий сектордаги фаолиятни тартибга солишга қаратилган кенг қонунлар қабул қилинган.

Бундан ташқари Австралиянинг баъзи ҳудудларида ихтисослашган қонунлар амалда мавжуд.

Давлат ҳокимияти органларини коррупциянинг зарали таъсиридан сақлаш зарурияти АҚШ ҳукуматини коррупцияга қарши курашни XIX асрдаёқ давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилашга мажбур қилган бўлиб, шу асосда хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилишнинг узоқ

йиллик анъанаси билан Америка Қўшма Штатлари хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш энг тўлиқ ҳамда қадимий тизимига эга ҳисобланади.

Жумладан, 2010 йилда қабул қилинган Додд-Франк (Dodd-Frank Act of 2010) Қонунининг 748-моддасида товар биржаси қонунлари бузилганлиги тўғрисида Товар фючерс савдо комиссиясига хабар берган жисмоний шахсларга ҳақ тўлаш тартиби белгилаб қўйилган, шу билан бирга бундай шахслардан ҳуқуқбузарлик ҳолати ҳақида хабар берганлиги учун ўч олиш, тазйиқлар қилиш, шахсий ҳаёт даҳлсизлигини издан чиқариш тақиқланади.

Шунга ўхшаш қоидалар Додд-Франк қонунининг 922-моддасида Қимматли қоғозлар ва биржа комиссиясининг қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунларини бузиш ҳолатларини ошкор қилиш тўғрисидаги қоидалар белгилаб қўйилган.

Ўрганишлар ва илмий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жазоланиш ёки қасос олинишидан кўрқиб хабар бериш амалиётига қўйилган асосий тўсиқ бўлмоқда [2].

АҚШда хабар берувчи шахслар ҳуқуқларини қасос олишлардан ҳимоя қиладиган камида иккита ҳуқумат агентлиги ташкил этилган.

Биринчиси, Махсус вакил (Office of the Special Counsel) мустақил федерал тергов ва айблов органи ҳисобланади. У ноқонуний ҳатти-ҳаракат ҳақида маълумот берганлиги туфайли жазодан азобланган, репрессияларга йўлиққан хабар берувчиларнинг шикоятларини қабул қилади, тергов қилади ва қонун йўли билан таъқиб қилиб, уларни муваққат ҳимоя чоралари билан таъминлайди. Иккинчиси, “Давлат хизматини ислоҳ қилиш тўғрисида”ги қонуннинг бажарилишини назорат қилиш мақсадида мустақил квази-суд органи сифатида ташкил этилган “Хизматларни инобатга олиш тизимини ҳимоя қилиш Кенгаши” (Merit System Protection Board) ахборот берганган шахсларга нисбатан ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказиш ва тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорларни тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга [3].

Хабар берувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб қонун ҳужжатларида хабар берувчининг шахсига оид маълумотларни ҳимоя қилишни агар хабар берувчи уни ошкор қилишга розилик билдирмаса, махфий сақланишини назарда тутди [4].

Масалан, АҚШ қонунлари Махсус вакил фуқаронинг шахсига оид маълумотлар жамоат саломатлиги ва хавфсизлиги ёки ҳар қандай жиноий қонуннинг бузилиши билан боғлиқлигини аниқламагунча, ошкор этилишига чеклов қўйилган [5]. Шу билан бирга АҚШ Жиноят кодексининг 18 – сарлавҳасида хабар берувчи шахсларга нисбатан қасос олганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Дарҳақиқат, АҚШ тизимида вужудга келган бу ҳуқуқий институт ҳар қайси давлатнинг миллий кадриятларига мос шаклда ўзгартирилиб, ижтимоий ҳаётга мослаштирилди. Қуйида нисбатан миллий кадриятлари жиҳатидан бизга мос келадиган давлатларнинг махсус қонунчилиги ва унинг моддаларини бирма-бир таҳлил қилиб, миллий ҳуқуқ тизимимизни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқамиз.

Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг 2012 йил 23 августдаги 1077-сонли Қарори[6] коррупцияга қарши курашда фуқароларнинг фаоллигини рағбатлантиришга қаратилган. Ушбу қарор асосий жиҳатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Мақсад - Қарор коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашда фаол ёрдам кўрсатган шахсларни рағбатлантириш тартибини белгилайди.

Рағбатлантириш шакллари - моддий мукофотлар, давлат ёки жамоат эътирофи (дипломлар, медаллар, ҳукумат ёрликлари).

Ҳуқуқий ҳимоя - хабар берувчиларнинг шахсий хавфсизлиги ва маълумотлар махфийлиги кафолатланади.

Қозоғистон Республикаси қонунчилигида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик фактлари тўғрисида хабар берган шахсларнинг дахлсизлиги кафолатларини таъминлашга бошқача ёндашувни кўриш мумкин.

Биринчидан, Қозоғистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” қонунида коррупцияга қарши курашнинг асосий тамойилларидан бири сифатида коррупцияга қарши ҳуқуқбузарликларга қарши курашда ёрдам берувчи фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва рағбатлантириш белгиланган.

Қонуннинг 7-моддасига кўра, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик факти тўғрисида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда ёрдам берган шахс давлат ҳимоясида бўлади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рағбатлантирилади. Бироқ, бу қоидалар била туриб ёлғон маълумот берган ва бунинг учун интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладиган шахсларга тааллуқли эмас.

Иккинчидан, Қозоғистон Республикаси Қонунининг коррупция фактлари тўғрисида хабар берган шахсларни рағбатлантириш тўғрисидаги қоидаларини ҳамда “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида” (7-модданинг 2-1-қисмлари) бажариш мақсадида, Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг “Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берган шахсларни рағбатлантириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Белгиланган бир марталик пул рағбатини олиш, ёрлик ёки миннатдорчилик эълонини топшириш учун маъмурий коррупция ёки коррупция жинояти (оғирлик даражасига қараб) тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш кифоя.

7-модда. Коррупцияга қарши курашда ёрдам берувчи шахслар дахлсизлигининг кафолатлари

1. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик факти тўғрисида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда ёрдам берган шахс давлат ҳимоясида бўлади.

2. Коррупцияга қарши курашишда кўмаклашувчи шахс тўғрисидаги маълумотлар давлат сири ҳисобланади ва фақат ушбу Қонун 6-моддасининг 2 ва 4-бандларида кўрсатилган органлар ёки суднинг талабига биноан қонун

ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади. Ушбу маълумотларнинг ошкор этилиши қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2-1. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик факти тўғрисида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашда бошқа йўл билан ёрдам берган шахс Қозоғистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган тартибда рағбатлантирилади.

3. Зарур ҳолларда коррупцияга қарши курашни амалга оширувчи органлар коррупцияга қарши курашишга кўмаклашувчи шахсларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлайди.

4. Ушбу модданинг қоидалари била туриб ёлғон маълумот берган, Қозоғистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортиладиган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Қирғизистон Республикасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида” қонуни (28.01.2019 йил 19-сон)[7].

Қирғизистонда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларнинг ҳимоясини таъминлашга қаратилган алоҳида қонун қабул қилинган.

Ушбу Қонун мазкур шахсларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини белгилаб беради, шунингдек, аҳолининг давлатга ва унинг тузилмаларига ишончини мустаҳкамлашга қаратилган.

5-модда. Ҳимоя қилинадиган шахс тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш.

1. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахс тўғрисидаги маълумотлар фақат аризада кўрсатилган маълумотлар тасдиқлангандан кейингина махфийлаштирилиши мумкин.

Таснифлаш ҳимоя қилинадиган шахснинг илтимосига биноан ёки унинг розилиги билан амалга оширилиши керак.

Махфийлаштириш тартиби Қирғизистон Республикасининг давлат сирларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

2. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахснинг сир сақланиши ваколатли давлат органлари томонидан таъминланади.

3. Хавфсизлик чораларини амалга оширувчи органнинг қарори билан давлат ва бошқа ахборот-маълумот фондларидан ҳимоя қилинадиган шахс тўғрисидаги маълумотлар, унинг телефон рақамлари ва ўзи фойдаланаётган ёки унга тегишли бўлган транспорт воситаларининг давлат рўйхатидан ўтказилган белгиларини бериш тақиқланиши мумкин.

4. Бошқа жиноят ёки фуқаролик иши бўйича иш юритиш билан боғлиқ алоҳида ҳолларда ҳимоя қилинаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар прокурорнинг ёки суднинг (судьянинг) ёзма аризаси асосида давлат муҳофазасини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилган органнинг рухсати билан тергов органларига, прокуратурага ёки судга берилиши мумкин.

5. Ушбу модданинг қоидалари била туриб ёлғон маълумот берган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

6-модда. Ҳимоя қилинадиган шахслар.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тўғрисида белгиланган тартибда хабар берган шахслар ушбу Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ давлат ҳимоясида бўладилар.

7-модда. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларга нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш асослари.

1. Жиноят процессида иштирок этиши муносабати билан ҳимоя қилинаётган шахсни ўлдириш, унга нисбатан зўравонлик қилиш, унинг мол-мулкни йўқ қилиш ёки шикастлаш тўғрисида қарор қабул қилувчи орган томонидан аниқланган ҳақиқий таҳдид мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар давлат муҳофазасини амалга ошириш бўйича хавфсизлик чораларини қўллаш учун асос ҳисобланади.

2. Хавфсизлик чоралари ҳимоя қилинаётган шахснинг ёзма аризаси ёки унинг ёзма розилиги билан, вояга этмаганларга нисбатан эса — унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг оила ва болаларни қўллаб-қувватлаш бўлимлари вакиллари (ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар бўлмаган тақдирда) ёки уларнинг ёзма розилиги билан шунингдек ваколатли шахсларнинг ёзма аризаси асосида қўлланилади.

3. Агар хавфсизлик чораларини қўллаш ҳимоя қилинаётган шахснинг вояга этган оила аъзоларининг ва у билан бирга яшовчи бошқа шахсларнинг манфаатларига дахлдор бўлса, хавфсизлик чораларини қўллаш учун уларнинг ёзма равишда билдирилган розилиги талаб қилинади.

8-модда. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тўғрисида хабар бериш.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги хабарномада қонун ҳужжатларида белгиланган интизомий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган коррупция ёки коррупция учун шароит яратиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

11-модда. Моддий рағбат.

1. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тўғрисида хабар берган шахсга коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик учун қопланган суммадан мукофот тўланади.

2. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тўғрисида хабар берган шахсга коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида ундирилган маблағлар ҳисобидан давлат бюджетига бир миллион сомдан ортиқ бўлмаган миқдорда пул мукофоти тўланади.

3. Иш ҳақини тўлаш тартиби ва миқдори Қирғизистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланади.

12-модда. Хавфсизлик чоралари.

1. Ҳимоя қилинадиган шахсга бир вақтнинг ўзида бир нечта ёки қуйидаги хавфсизлик чораларидан бири қўлланилиши мумкин:

1) шахсий ҳимоя, уй-жой ва мулкни муҳофаза қилиш;

2) шахсий ҳимоя, алоқа ва хавф ҳақида огоҳлантиришнинг махсус воситаларини бериш;

3) ҳимоя қилинадиган шахс тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

4) бошқа яшаш жойига кўчириш;

5) ҳужжатларни шахсий маълумотларга ўзгартиришлар билан алмаштириш, агар керак бўлса, ҳимоя қилинадиган шахснинг оила аъзоларига нисбатан ҳам қўлланилади;

6) ташқи кўринишнинг ўзгариши;

7) судда нутқ сўзлаётганда ташқи кўринишини ниқоблаш ёки қўшимча визуал изоляция қилиш, шунингдек суд тергови давомида шахсий ва бошқа маълумотларни ошкор қилмаслик;

8) иш (хизмат) ёки ўқиш жойини ўзгартириш;

9) хавфсиз жойга вақтинча жойлаштириш;

10) қамоқда сақланаётган ёки ахлоқ тузатиш муассасаларида сақланаётган шахсга нисбатан қўшимча хавфсизлик чораларини қўллаш, шу жумладан бир қамоқда сақлаш жойидан бошқасига ўтказиш ёки жазони ўташ.

2. Ушбу модданинг биринчи қисмининг 4-7-бандларида назарда тутилган хавфсизлик чоралари фақат оғир ва ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари бўйича қўлланилади.

3. Хавфсизлик чоралари гувоҳлар, жабрланувчилар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги Қирғизистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин.

4. Яқин қариндошлар, қариндошлар ва яқин шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари гувоҳлар, жабрланувчилар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги Қирғизистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Азарбайжоннинг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни (13.01.2004 йил № 580-ПQ)[8].

“Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш” ва “Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида маълумот берган шахсни давлат ҳимояси” тўғрисидаги Қонунларига тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Ўзгартиришларга мувофиқ, агар коррупция фактлари тўғрисида хабар берган шахс ўз исми-шарифи ошкор этилишини истамаса, тегишли идоралар, ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича ихтисослаштирилган органлар унинг махфийлигини таъминлаши шарт. Гувоҳ ҳақидаги маълумотлар фақат унинг ёзма розилиги билан ошкор этилиши мумкин. Коррупция фактлари бўйича гувоҳ тўғрисидаги махфий маълумотларни ошкор қилганликда айбдор шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Коррупция гувоҳига ёки унинг яқинларига нисбатан ҳар қандай босим, хоҳ қўрқитиш, хоҳ моддий ёки маънавий зарар етказиш, хоҳ ҳақорат қилиш ва таъқиб қилиш, шунингдек, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситиш жиноий жавобгарликка тортилади.

Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берган гувоҳ, агар кимдир унга нисбатан махфийлик қоидаларини бузган тақдирда, тегишли органларга маъмурий ёки суд тартибда муурожаат қилишга ҳақли.

Коррупция фактлари тўғрисида хабар берган шахсга ёки унинг қариндошларига нисбатан ўлим, зўравонлик, мулкни йўқ қилиш билан таҳдид қилинган тақдирда, гувоҳ "Давлат муҳофазаси тўғрисида"ги қонунга мувофиқ хавфсизлик чораларини кўриш учун прокуратурага мурожаат қилишга ҳақли.

Шунингдек, "Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш" тўғрисида Қонун 11¹-моддада коррупция фактлари тўғрисидаги маълумотлар қандай тартибда ва қайси тузилмаларга хабар қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Грузия Республикасининг 30.11.2022 йил "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида" 2204-сон Қонуни [9].

Грузияда коррупция тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш бўйича қоидалар Қонуннинг V¹-бобида акс этган.

Ушбу бобда қуйидаги атамалар қўлланилади; аноним хабардор қилиш; аризани кўриб чиқувчи орган; Мажбурлаш чоралари, хабар берувчининг яқин қариндоши (20¹-модда).

20²-модда.

1. Хабар ишонарли бўлиши ва Грузия қонунчилигининг ёки умумий ахлоқ ва хулқ-атвор қоидаларини ўз ичига олган нормаларнинг бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ва (ёки) жамоат манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилиши керак.

2. Хабар унинг акси исботланмагунча айблов ишонарли деб ҳисобланади.

20³-модда.

1. Хабар ёзма, оғзаки, электрон шаклда, телефон, факс орқали, Коррупцияга қарши курашиш бюроси томонидан бошқариладиган веб-саҳифадан фойдаланган ҳолда ёки бошқа воситалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

2. Хабар аноним бўлиши мумкин.

3. Хабардор қилувчининг ўз шахсини ошкор этиш тўғрисидаги ёзма розилиги бўлмаган тақдирда, аризани кўриб чиқувчи орган айбловчининг шахсини ошкор қилмасликка мажбурдир.

4. Давлат хизматчиси томонидан ушбу модданинг талабларини бузиш, агар кўрсатилган жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланмаса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий жавобгарликка сабаб бўлади.

20⁴-модда.

1. Хабар берувчини ёки унинг яқин қариндошини кўрқитиш, таъқиб қилиш, мажбурлаш, камситиш, қувғин қилиш, унга босим ўтказиш, унга маънавий ёки моддий зарар етказиш, унга нисбатан зўравонлик қўллаш ёки зўравонлик билан таҳдид қилиш, унга нисбатан камситувчи муносабатда бўлиш ёки дискриминация факти билан боғлиқ бошқа ноқонуний ҳаракат тақиқланади.

2. Хабар берувчига нисбатан маъмурий ёки фуқаролик ишини ёки жиноий жавобгарликни кўзғатишга ва уни тегишли жавобгарликка тортишга, шунингдек фош этиш факти билан боғлиқ ҳолатларга кўра унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллашга йўл қўйилмайди.

3. Хабар берувчига нисбатан интизомий иш юритиш ёки маъмурий, фуқаролик ёки жиноий иш юритиш давом этаётган бўлса, улар қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши керак:

а) интизомий иш юритиш, маъмурий, фуқаролик ёки жиноий иш юритиш фoш этиш факти билан боғлиқ бўлмаса;

б) ушбу моддада белгиланган ҳимоя кафолатларидан фойдаланиш давлат суверенитети ва хавфсизлигига тажовуз қилиш, унинг конституциявий тузумини ағдариш, миллий ёки диний адоватни қўзғатиш мақсадларини кўзлаган бўлса.

4. Хабар берувчига нисбатан мажбурлов чоралари қўлланганда, маъмурий, фуқаролик ёки жиноий иш қўзғатилган тақдирда, тегишли давлат муассасаси бунинг фoш этиш факти билан боғлиқ эмаслигини ва бунинг учун назарда тутилган асослар мавжудлигини Грузия қонунчилигига мувофиқ асослаб бериши шарт.

5. Мазкур моддада белгиланган ҳимоя кафолатларининг таъминланиши устидан назоратни тегишли давлат муассасаси раҳбари амалга оширади.

6. Жиноят процесси жараёнида хабар билан боғлиқ иш бўйича иш юритишнинг исталган босқичида, агар хабар берувчининг, унинг яқин қариндошининг ёки хабар эълон қилинаётган гувоҳнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулки ушбу ишда иштирок этганлиги сабабли хавф остида бўлса, хабар берувчи, унинг яқин қариндоши, хабарнинг гувоҳи ёки аризани кўриб чиқувчи орган Грузия Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган махсус ҳимоя чораларини қўллаш муносабати билан Грузия прокуратурасига мурожаат қилишга ҳақлидир.

7. Хабар берувчи ушбу модданинг талаблари бузилганлиги устидан аризани кўриб чиқувчи орган ёки тегишли давлат муассасаси томонидан Грузиянинг маъмурий қонунчилигида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

20⁵-модда.

Хабар берувчи маълумот тарқатиш натижасида ошкора эълон қилинган маълумотларнинг ҳақиқат ёки ёлғон эканлигидан қатъи назар, ҳимоя кафолатларидан фойдаланади, қуйидагилар бундан мустасно:

а) хабар натижасида эълон қилинган маълумотлар нотўғри бўлса, у хабар берувчига олдиндан маълум бўлган ёки маълум бўлиши керак эди, чунки у хабар учун фойдаланилган маълумотларнинг тўғрилигини икки марта текшириши мумкинлиги, ушбу маълумотни қайта текшириш учун зарур бўлган барча чораларни кўрганига қарамай, унинг хатолигини аниқлай олмаганда;

б) хабар берувчи шахсий ёки бошқа манфаатларни олиш мақсадида ҳаракат қилса, Грузия қонунчилигида белгиланган махсус мукофотни олиш ҳоллари бундан мустасно;

в) хабар берувчига хабарнинг ҳақиқий ҳолатлари оммага маълум ёки аризани кўриб чиқаётган органга маълум бўлганлиги тўғрисида маълум қилинганда.

20⁶-модда.

1. Аризани кўриб чиқувчи орган хабар берувчи аризани у тақдим этилганидан кейин бир ой ичида Грузия қонунчилигида Грузиянинг умумий маъмурий кодекси ва унинг Низомида белгиланган тартибда, тегишли қоидалар мавжуд бўлмаганда эса, белгиланган расмий маъмурий иш юритиш тартибда кўриб чиқади.

2. Агар хабарни кўриб чиқиш якунига кўра, содир этилган ҳуқуқбузарлик маҳкумни маъмурий, фуқаролик ёки жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкинлиги аниқ бўлса, аризани кўриб чиқувчи орган тегишли ваколатли органга ариза билан мурожаат қилиши шарт.

3. Мазкур Қонуннинг 20⁴-моддаси 3-бандига мувофиқ тўхтатиб қўйилган суд ишини юритиш тегишли аризани кўриб чиқувчи орган томонидан қарор қабул қилингандан кейин қайта тикланади.

20⁷-модда.

1. Хабардор қилиш аризаси ички назорат ва (ёки) хизмат текширувини амалга оширувчи давлат органининг таркибий бўлинмаси ходимига нисбатан қаратилган бўлса, хабар берувчи ушбу таркибий бўлинма раҳбарига хабар билан мурожаат қилишга ҳақли.

2. Хабардор қилиш ички назорат ёки хизмат текширувини амалга оширувчи давлат муассасасининг таркибий бўлинмаси раҳбарига нисбатан қаратилган бўлса, хабар берувчи ушбу давлат муассасаси раҳбарига мурожаат қилишга ҳақли.

3. Хабар давлат муассасаси раҳбарига нисбатан қаратилган бўлса, хабар берувчи ушбу давлат муассасаси раҳбарининг юқори турувчи мансабдор шахсига хабар билан мурожаат қилишга ҳақли.

20⁸-модда.

Хабар ўзига нисбатан қаратилаётган ёки қарорнинг натижаларидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлган ёки унинг холислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлган шахснинг хабарини кўриб чиқишга йўл қўйилмайди.

20⁹-модда.

Айби фош этилган шахс ўзига нисбатан қўйилган айблов баёни ва мавжуд далиллар тўғрисида хабардор қилиниши керак. Унга айблов баёни бўйича якуний қарор қабул қилинишидан 5 иш кунидан кечиктирмай айбловга жавоб бериш имконияти берилиши керак. Мурожаатни кўриб чиқувчи органнинг қарорида фош этилган шахснинг позицияси акс эттирилиши керак.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир ривожланишни хоҳлаётган давлат коррупцияга қарши курашишдан кўра уни олдини олиш ва максимал минималлаштиришга қаратилган чораларни давлат ва жимият ҳаётининг ҳар бир жабҳасига татбиқ этиб бормоқда. Ривожланган давлатлар аллақачон махсус ваколатли органлар, комиссиялар тузишдан кўра жамоатчилик билан давлат органлари ўртасидаги алоқаларни интеграциялаш, такомиллаштиришга қаратилган механизмлар афзал эканлигини эътироф этмоқдалар.

REFERENCES. IQTIBOSLAR. ЧОСКИ.

1. Электрон манба. URL: <https://www.oecd.org/>
2. Public Services International, 2016; Belecky, Singh and Moreto, 2018)
3. US Merit Systems Protection Board <http://mspb.gov> at 18 August 2008. The MSPB and the OSC were set up under the Civil Service Reform Act USC (1978). Employees are not protected by First Amendment: *Garcetti v Ceballos* 547 US 410 (2006), discussed in Dylan Blaylock, Supreme Court Rules Against Government Whistleblowers (2006) Government Accountability Project
4. For a more in-depth discussion on this issue, see: D. Banisar, Whistleblowing: International Standards and Developments, (2009).
5. U.S. Whistleblower Protection Act (1989); 5 U.S.C. 1213(h)
6. Электрон манба. URL: <https://adilet.zan.kz/rus/docs/P1200001077/p121077.htm>
7. Электрон манба. URL: <https://cbd.minjust.gov.kg/111829/edition/1037888/ru>
8. Электрон манба. URL: <https://mia.gov.az/?limited/ru/legislation/1/view/8/>
9. Электрон манба. URL: <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/33550?publication=88>